

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.FM/T.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУРНАШЕВ ВЛАДИМИР ФИДРАТОВИЧ

ҒОВАК МУҲИТЛАРДА КЎП ФАЗАЛИ, КЎП КОМПОНЕНТАЛИ
СУЮҚЛИКЛАРНИНГ СИЗИШИ ГИДРОДИНАМИК
МОДЕЛЛАРИНИНГ СОНЛИ ТАҲЛИЛИ

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of abstract doctoral (DSc) dissertation

Бурнашев Владимир Фидратович

Говак муҳитларда кўп фазали, кўп компонентали суюқликларнинг сизиши
гидродинамик моделларининг сонли таҳлили.....3

Бурнашев Владимир Фидратович

Численный анализ гидродинамических моделей фильтрации многофазных
многокомпонентных жидкостей в пористых средах.....27

Burnashev Vladimir Fidratovich

Numerical analysis of hydrodynamic filtration models of multiphase
multicomponent liquids in porous media.....51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....55

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.30.08.2018.FM/T.02.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

БУРНАШЕВ ВЛАДИМИР ФИДРАТОВИЧ

ҒОВАК МУҲИТЛАРДА КЎП ФАЗАЛИ, КЎП КОМПОНЕНТАЛИ
СУЮҚЛИКЛАРНИНГ СИЗИШИ ГИДРОДИНАМИК
МОДЕЛЛАРИНИНГ СОНЛИ ТАҲЛИЛИ

01.02.05 – Суюқлик ва газ механикаси

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Самарқанд – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.4.DSc/FM127 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ва «Ziyounet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Хўжаёров Бахтиёр Хўжаёрович
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оponentлар: Нормуродов Чори Бегалиевич
физика-математика фанлари доктори

Равшанов Нормухмат
техника фанлари доктори, профессор

Худайкулов Совет Ишонкулович
техника фанлари доктори

Етакчи ташкалот: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси
Механика ва нишотлар сейсмик мустаҳкамлиги
институт


Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.30.08.2018.FM/T.02.09 рақамли Илмий кенгашнинг «17» май 2019 йил соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-11-40, 239-12-47, факс: (+99866) 239-11-40, e-mail: devonxona@samdu.uz).


Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-17-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «3» май куни тарқатилди.
(2019 йил «3» май даги 4 рақамли реестр баённомаси).




Р.И.Халмурадov
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор


А.Абдирашидов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
физика-математика фанлари доктори, доцент


Ж.Акилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси ўринбосари,
физика-математика фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда нефт ва газ конлари маҳсулдор қатламларидан углеводородларни қазиб олиш самарадорлигини ошириш муҳим ҳисобланади. Нефт конлари етарлича юқори нефт берувчанлигини таъминлашнинг асосий йўли бу сув ҳайдаш усулидир. Шу жиҳатдан АҚШ, Англия, Саудия Арабистони, Россия Федерацияси ва бошқа ривожланган мамлакатларда, жумладан сув ҳайдаш усулни амалда қўллаш таҳлили ва назарий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, усулнинг самарадорлиги объектни ва уни қўллаш технологияларини тўғри танлашга боғлиқ. Бу борада кўп фазали, кўп компонентали суюқликларнинг сизиши гидродинамик моделлари ва уларни сонли таҳлил этиш усуллари сув ҳайдаш объектларини ва технологияларини тўғри танлаш, геолог-техник чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқиш ва оптималлаштиришнинг назарий асосларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда фойдаланишга топширилаётган янги конлар, одатда мураккаб физик-геологик шароитларга (ўтказувчанликнинг пастлиги, биржинс-лимаслик, коллекторларнинг ажратилганлиги) эга эканлиги, шунингдек нефт қазиб олиш самарадорлигини камайтирувчи асосий муаммо қатлам забой олди худудининг турли моддалар билан ифлосланиши бўлганлиги сабабли углеводород хомашёларини қазиб олиш самарадорлигини оширишга йўналтирилган илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу йўналишда, жумладан нефт ва газ қатламлари ўтказувчанлигини ошириш мақсадида уларга кислотали таъсир кўрсатишнинг турли усулларини тадқиқ қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга қатламга кислотали ишлов беришнинг технологик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун математик моделлар, уларни сонли ечиш усуллари ва компьютер дастурлари яратиш зарур ҳисобланмоқда.

Мамлакатимизда нефт маҳсулотларига бўлган ортиб бораётган талабни қаноатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Лекин, кейинги йилларда очилаётган янги нефт конларининг камлиги, мавжуд конларнинг қазиб олиш хажмининг камаювчи босқичига ўтганлиги йиллик қазиб олиш кўрсаткичларининг тушишига олиб келди. Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш стратегиясида «... қабул қилинган ўрта муддатли дастурлар асосида таркибий ва институционал ўзгаришларни чуқурлаштириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш ...»¹ мақсадли дастурларини амалга ошириш зарурияти алоҳида таъкидланган. Бу вазифани

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

бажариш учун, хусусан, йиллик нефт қазиб олиш ҳажмини барқарорлаштириш ва кейинчалик ошириш керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги ПҚ-3107-сон «Нефть-газ соҳасининг бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 27 август, 675-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси тизими бўйича минерал хом ашё базасини такрор ишлаб чиқариш ва давлат дастурларини шакллантириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.² Кўп фазали, кўп компонентали суюқликларнинг ғовак муҳитларда сизиши жараёнлари бўйича тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан The American Petroleum Institute, The University of Texas at Austin (АҚШ), Institute of Petroleum Engineering (Германия), Norwegian University of Science and Technology (Норвегия), Oil & Gas Institute (Шотландия), Delft University of Technology (Нидерландия), Oxford Institute for Energy Studies (Англия), China University of Petroleum (Хитой), The University of Adelaide, University of New South Wales (Австралия), Universiti Teknologi PETRONAS (Малазия), Mexican Institute of Petroleum (Мексика), King Fahd University of Petroleum & Minerals (Саудия Арабистони), РФА СБ нефт кимёси институти, Бутунроссия нефт-газ илмий-тадқиқот институти, Россия давлат нефт ва газ университети, Тюмен давлат университети, Грозний нефт институти, Қозон федерал университети, Кубан давлат техника университети, Санкт-Петербург давлат кончилик институти, Уфа давлат нефт техникаси университети (Россия), Нефть-кимёвий жараёнлар институти, Нефть-газ илмий-тадқиқот лойиҳалари (Озарбайжон); Ўзбек нефт ва газ саноати илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш институти, Тошкент давлат техника университети, Самарқанд давлат университети, Қарши давлат университети,

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <http://www.mathnet.ru>; <https://www.api.org/>; <https://www.utexas.edu/>; <http://link.springer.com>; <http://www.sciencedirect.com>; <http://www.dissercat.com/catalog/fiziko-matematicheskie-nauki>; <https://www.adelaide.edu.au/>; <https://www.unsw.edu.au/>; <https://www.ite.tu-clausthal.de/en/>; <https://www.ntnu.edu/>; <https://www.strath.ac.uk/research/oilgasinstitute/>; Predicting temperature distribution in the waxy oil-gas pipe flow//Journal of Petroleum Science and Engineering. 101:28-34 · January 2013; Two-phase flow (oil-water) in petroleum reservoir with irregular geometry including water injection: Effect of porosity on the oil recovery factor//Defect and Diffusion Forum 326-328:181-186 April 2012; Two-phase flow of an oil-water system in porous media with complex geometry including water flooding: Modeling and simulation//JPor-Media.v14.i7.20.pages 579-592; ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

ақад. И.Губкин номидаги Москва нефт ва газ университети Тошкент филиали (Ўзбекистон) томонидан олиб борилмоқда.

Ғовак муҳитларда кўп фазали, кўп компонентали суюқликларнинг сизиши жараёнларини моделлаштиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: ғовак муҳитларда газнинг сувда эришини ҳисобга олиб суюқлик ва газларнинг ностационар сизиб ҳаракатланиши моделлари тузилган (Institute of Petroleum Engineering, The American Petroleum Institute, АҚШ); нефт-газ аралашмалари сизиши масалаларини ечишнинг чекли элементлар усулига асосланган алгоритмлари ишлаб чиқилган (The Japan Petroleum Institute, Япония, SINOPEC Exploration & Production Research Institute, Хитой); нефт қатламларига кимёвий таъсир қилишда кимёвий реакцияларни ҳисобга олиб математик моделлари яратилган (Нефт ва газ институти, РФА СБ Нефт кимёси институти); нефт қатламларига кимёвий таъсир қилишни баҳолашнинг чекли айирмалар усулига асосланган алгоритми ишлаб чиқилган (Бутунроссия нефт-газ илмий-тадқиқот институти, РФА нефт ва газ муаммолари институти, Россия); муаллақ заррачаларнинг ҳосил бўлиши ва улар натижасида қатлам қолматациясини ҳисобга олиб нефт қатламларига кимёвий таъсир қилишни баҳолашнинг математик моделлари ва сонли усуллари такомиллаштирилган (ЎзЛИТИнефтгаз, Самарқанд давлат университети, Ўзбекистон).

Дунёда нефт берувчанликни ошириш муаммоларининг назарий асослари ва уларни ечишнинг самарали усуллари билан боғлиқ қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ғовак муҳитларда кўп фазали кўп компонентали суюқликлар сизиши назариясини такомиллаштириш; сунъий равишда қатлам босимини барқарорлаштириш учун нефт қатламларига сув ҳайдашнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш; нефт ва газ конларини ишлатиш самарадорлигини ошириш мақсадида нефт ва газ қатламларига физик-кимёвий таъсир қилиш усулларини ривожлантириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда нефт-газ ва сувли қатламларда сизишнинг мураккаб динамик жараёнларининг математик моделларини такомиллаштириш ва сонли ечиш усулларини ишлаб чиқиш қуйидаги олимларнинг ишларида қаралган: С.Аtkinson, S.Banerjee, G.I.Barenblatt, T.W.Patzek, D.B.Silin, F.Boyer, C.Lapuerta, S.Minjeaud, F.Golfier, R.Pongraz, M.K.Panga, А.Дарси, Л.С.Лейбензон, А.Х.Мирзаджанзаде, М.М.Хасанов, Б.Б.Лапук, И.А.Чарный, Х.Азиз, Э.Сеттари, С.Н.Закиров, А.Н.Коновалов, К.С.Басниев, Р.И.Нигматулин, Н.Т.Данаев, А.Калтаев, Д.Ж.Ахмед-Заки, А.В.Ахметзянов, А.В.Цепаев, Б.В.Шалимов ва бошқалар.

Ўзбекистонда ғовак муҳитларда сизиш жараёнларини тадқиқ қилиш, башоратлар ва бошқариш математик моделлари ва ҳисоблаш усулларини ишлаб чиқишда В.К.Кабулов, Ф.Б.Абуталиев, Ж.Ф.Файзуллаев Н.М.Муҳидинов, Р.Садуллаев, И.Алимов, Ж.Акилов, Б.Х.Хўжаёров, И.К.Хужаев, Н.Равшанов, Ш.Қаюмов ва бошқа олимлар улкан ҳисса қўшишган.

Ҳозирги кунда нефтгаз ва сувли қатламларда сизиш жараёнларининг турли масалалари учун математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий комплекслар ишлаб чиқилган. Шундай бўлсада, қатламли

тизимларда мураккаб сизиш жараёнларини тадқиқ қилиш ва башоратлашга хизмат қилувчи компьютер моделларини яратиш муаммоси етарли даражада тўлиқ ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг №19.12 «Муҳандислик ва табиий жараёнларнинг математик моделларини тузиш ва сонли тадқиқ қилиш» (2000-2018) ҳамда №А-12-088 “Бухоро-Қарши нефт-газ ҳудудларида конларнинг нефт берувчанлигини иккиламчи усулларни қўллаган ҳолда оширишнинг самарали технологияларини ишлаб чиқиш” (2007-2009), №ФА-А5-Ф023 “Бухоро-Қарши нефт-газ ҳудудларида нефт конларида объектларни танлаш ва сув ҳайдашнинг юқори самарали технологияларини ишлаб чиқиш” (2009-2011), №А13-Ф081 “Нефт қатламларига қазиб олиш жадаллиги ва нефт берувчанликни ошириш мақсадида физик-кимёвий ишлов беришнинг самарали усулларини ишлаб чиқиш” (2012-2014), №А-13-10 «Ёриқ-ғовак карбонат коллекторли нефт ва газ қатламлари забой ёни ҳудудларига кислотали ишлов беришнинг ҳисоблаш методикаси ва самарали технологияларини яратиш» (2015-2017) мавзудаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ғовак муҳитда конденсат фазасининг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда нефтгазконденсатли аралашмалар сизиши, кимёвий реакцияни ҳисобга олган ҳолда калцид ва доломит коллекторли нефт қатламларига кислотали таъсир қилиш, колматацияни ҳисобга олган ҳолда карбонат коллекторли нефт қатламларига кислотали ишлов беришнинг такомиллаштирилган гидродинамик моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нефтгазконденсатли аралашмалар сизиши ва нефтгазконденсат конларга сув ҳайдаш технологиялари масалалари учун математик модел, “катта зарралар” усулига асосланган сонли алгоритм ва дастурий воситалар ишлаб чиқиш;

нефт қатламлари калцидли коллекторларига кислотали таъсир кўрсатиш учун математик модел ва “катта зарралар” усулига асосланган сонли алгоритм ишлаб чиқиш;

нефт қатламлари доломитли коллекторларига кислотали таъсир кўрсатиш учун математик модел ва “катта зарралар” усулига асосланган сонли алгоритм ишлаб чиқиш;

нефт қатламлари карбонатли коллекторларига кислотали таъсир кўрсатиш учун колматацияни ҳисобга олган ҳолда математик модел ва “катта зарралар” усулига асосланган сонли алгоритм ишлаб чиқиш;

нефт ва нефтегазконденсат конларга кислотали таъсир кўрсатиш услубияти, унга мос дастурий воситалар ва технология ишлаб чиқиш;

Тадқиқотнинг объекти нефт берувчанликни ошириши мақсадида нефт ва нефтгазконденсатли қатламларга физик-кимёвий таъсир кўрсатиш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети ғовак муҳитларда кўп фазали, кўп компонентли тизимлар сизиши жараёнларини математик моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда физика ва гидродинамиканинг фундаментал сақланиш қонунлари, математик моделлаштириш, ҳисоблаш математикаси ва ҳисоблаш эксперименти усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суёқлик ва газ ҳаракати назариясига асосан нефтгазконденсатли аралашмалар сизиши жараёнининг математик модели ва мос масалани ечиш учун “катта зарралар” усулига асосланган ҳисоблаш алгоритми такомиллаштирилган;

физик-кимёвий ёндашувдан фойдаланиб, калцид коллекторли нефт қатламларига кислотали таъсир кўрсатиш учун математик модел ва мос масалани ечиш учун “катта зарралар” усулига асосланган ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

доломит коллекторли нефт қатламларига кислотали таъсир кўрсатиш учун математик модели ва мос масалани ечиш учун “катта зарралар” усулига асосланган самарали ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган;

карбонат коллекторли нефт қатламларига кислотали таъсир кўрсатиш учун колматацияни ҳисобга олган ҳолда математик модели ва мос масалани ечиш учун “катта зарралар” усулига асосланган ҳисоблаш алгоритми такомиллаштирилган;

яратилган сонли моделлар асосида ўрта қувватли шахсий компьютерлардан фойдаланиб кўп вариантли ҳисоблашларни бажариш имконини берувчи график интерфейсга эга бўлган амалий дастурлар пакети ва ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагидан иборат:

нефт ва нефтгазконденсатли қатламларида сизиш жараёнларининг математик моделлари такомиллаштирилган ва ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

“Нефт ва нефтгаз қатламининг технологик кўрсаткичларини ҳисоблаш” дастурий воситаси яратилган;

нефт қатламлари забой олди ҳудудларига кислота таъсир кўрсатишнинг технологик кўрсаткичларини ҳисоблаш учун “Нефт қатлами қудуқ олди зонасига кислота билан ишлов бериш кўрсаткичларини ҳисоблаш” дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

ёриқ-ғовак газ қатламларига кислотали таъсир кўрсатишнинг технологик кўрсаткичларини аниқлаш учун “Ёриқ-ғовак газ қатламларига кислота таъсири кўрсаткичларини ҳисоблаш” дастурий воситаси яратилган;

“Нефт қатламлари забой олди ҳудудига ишлов бериш усули” номли нефт қатламининг кислотали таъсир кўрсатиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги масса ва импульсининг, газогидродинамиканинг маълум қонунларидан ҳамда текширилган ҳисоблаш математикаси усулларида фойдаланилганлиги билан асосланади, ишлаб чиқилган математик таъминотнинг

адекватлиги модда баланси тенгламалари асосида текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти нефт, нефтгаз ва нефтгазконденсатли қатламларда сизиш жараёнларини тадқиқ этиш ва башоратлаш мақсадида назарий ва амалий тажрибалар ўтказиш технологияларини такомиллаштириш, ишлаб чиқилган моделлар ва ҳисоблаш алгоритмлари нефтгаз конларини лойиҳалаш, дебит ҳажмини тўғри танлаш ва қудуқларни оптимал жойлаштириш, шунингдек дебит миқдорини башоратлаш имкониятини бериши билан изоҳланади.

Олинган натижаларнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижаларининг сизиш жараёнига физик-кимёвий таъсир даражасини ўрганиш, соҳа мутахассисларига объектнинг асосий параметрлари ва уларнинг ўзгариш оралиқларини аниқлаш, нефт ва нефтгаз конлардаги босимнинг вақт бўйича тарқалиши ва нефт, газ ва сув билан тўйинганлик коэффициентини аниқлаш, янги қудуқларни оптимал жойлаштириш, ишлаб чиқилган компьютер моделлари асосида жараёни башоратлаш ва янги технологияларни қўллаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳовак муҳитларда кўп фазали, кўп компонентли суюқликларнинг сизиши гидродинамик моделларининг сонли таҳлили бўйича ишлаб чиқилган математик моделлар, ҳисоблаш усуллари, алгоритмлар ва дастурлар натижалари асосида:

нефтгазконденсатли аралашалар сизиши ва карбонат коллекторли нефт қатламларига кислотали таъсир қилишнинг такомиллаштирилган математик моделлари ва уларга мос масалаларни ечиш учун “катта зарралар” усулига асосланган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситаларидан БВ-М-Ф4-001 рақамли «Мураккаб иссиқлик ва модда алмашинувига доир кўп ўлчовли масалаларнинг математик моделлари ва тақсимланган самарали ҳисоблаш алгоритмлари» фундаментал грант лойиҳасида иссиқлик ва масса алмашинувининг мураккаб кўп ўлчамли масалалари математик моделларини такомиллаштиришда ва масалаларни ечишнинг алгоритмик усуллари ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 декабрдаги 89-03-4213-сон маълумот-номаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши мураккаб иссиқлик ва модда алмашинувига доир кўп ўлчовли масалаларнинг математик моделларини такомиллаштириш, ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш имконини берган;

“Нефт қатламлари забой олди ҳудудига кислотали ишлов бериш усули” номли ихтиро учун патент олинган (№ IAP 05492, ЎзР 20.10.2017 й.). Бошқа усуллардан фарқли равишда қудуқ забой олди ҳудудини олдиндан асфальт-мум-парафинли чўкиндилардан тозалаш мақсадида қатлам ҳароратини оширадиган забой олди ҳудудининг 3/4 қисм ҳажми миқдорида иссиқ сув билан қатламга дастлабки ишлов бериш, сўнгра совуқ кислотани ҳайдаш

орқали нефт қатламлари забой олди худудига кислотали ишлов бериш усули кислотали ишлов бериш самарадорлигини ошириш имконини берган;

Қатлам забой ёни худудига кислотали ишлов бериш бўйича тадқиқот натижалари “Ўзнефтгазқазибчиқариш” АЖининг Шимолий Ўртабулоқ (№3 кудук), Жанубий Кемачи (№118 кудук), Шўртепа (№102 кудук), Сариқум (№22 кудук), Шўртан (№11 кудук), Жанубий Тандирчи (№6 кудук) кудукларида жорий этилган (“Ўзбекнефтгаз”АЖнинг 2018 йил 18 апрелдаги 02/14-2-478-сон маълумотномаси). Натижада таклиф қилинган услубнинг қўлланилиши кудукларга кислотали ишлов беришда геолого-техник чоратадбирлар режасини оптималлаштириш, тузли-кислотали ишлов беришни башоратлашнинг аниқлигини ошириш ҳисобидан қазиб олинаётган нефт ва газ дебитини ошириш имконини берган;

нефт-газ-кондетсат аралашмалар сизиши жараёнининг такомиллаштирилган математик моделларидан етакчи хорижий илмий журналларда: (Chemical Engineering Science. 59 (2004), IF=1.04) ғовак муҳитларда органик моддалар конденсацияланиши жараёнларини моделлаштиришда, (Journal Pet. Sci. and Eng. 61 (2008), IF=0.78) нисбий ўтказувчанликни экспериментал натижалардан фойдаланмасдан сонли моделлаштиришда, (Journal Pet. Sci. and Eng. 101 (2013), IF=0.78) қувурларда қовушоқ нефт-газ оқимларининг энергия тенгламасини келтириб чиқаришда фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши юқорида санаб ўтилган жараёнлар математик моделларини такомиллаштириш ва масалаларни сонли ечиш усулларини ишлаб чиқиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 2 та монография, 1 та ихтиро учун патент, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 2 таси хорижий нашрларда ва 12 таси республика нашрларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш қисми, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 185 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот

натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Кўп фазали кўп компонентали сизишнинг физик асослари**» деб номланган биринчи бобида кўп фазали кўп компонентали сизишнинг физик асосларининг тизимли таҳлили ўтказилган. Кўп фазали кўп компонентали сизишнинг назарий асослари, кўп фазали кўп компонентали тизимлари сизишининг гидродинамик моделлари ва масалаларини сонли ечиш усуллари қаралган.

Диссертациянинг «**Нефтгазкондесат аралашмаси сизиши гидродинамик моделларининг сонли таҳлили**» деб номланган иккинчи бобида нефтгазкондесат аралашмаси сизишининг такомиллаштирилган гидродинамик модели, нефтгазкондесат аралашмаси мажбурий сизиши масаласини ечишнинг сонли алгоритми, нефтгазкондесатли қатламларга сув ва газ билан таъсир этишнинг сонли таҳлили келтирилган.

Нефтгазкондесат аралашмаси сизишини ифодалаш учун қуйидаги ёндашувдан фойдаланилди: Нефтгазкондесатли аралашма нефтли, сувли, газли ва конденсатли фазалардан ташкил топган тўрт фазали тизим сифатида берилган. Бунда, сув ва нефт буғланмайдиган суюқликлар, газ – суюқликларда эрувчан, конденсат эса ҳам суюқ, ҳам газ ҳолатида бўлиши мумкин деб ҳисобланади.

Асосий тенгламалар қуйидаги кўринишда:

$$\frac{\partial}{\partial t} \left[\frac{mS_1}{B_1}(1-C\gamma) + \frac{mS_2R_2}{B_2} + \frac{mS_3R_3}{B_3} + \frac{mS_4R_4}{B_4} \right] + \nabla \cdot \left[\frac{W_1}{B_1}(1-C\gamma) + \frac{W_2R_2}{B_2} + \frac{W_3R_3}{B_3} + \frac{W_4R_4}{B_4} \right] = Q_1,$$

$$\frac{\partial}{\partial t} \left[\frac{mS_2}{B_2} \right] + \nabla \cdot \left[\frac{W_2}{B_2} \right] = Q_2, \quad \frac{\partial}{\partial t} \left[\frac{mS_3}{B_3} \right] + \nabla \cdot \left[\frac{W_3}{B_3} \right] = Q_3,$$

$$\frac{\partial}{\partial t} \left[\frac{mS_4}{B_4} + \frac{mS_1C}{B_1} \right] + \nabla \cdot \left[\frac{W_4}{B_4} + \frac{W_1C}{B_1} \right] = Q_4,$$

бу ерда: 1, 2, 3, 4 индекслар – газ, сув, нефт ва конденсатга мос келади; S_α, Q_α ($\alpha = \overline{1,4}$) - тўйинганликлар ва қудуқнинг йиғинди дебитлари; $B_1 = \frac{[V_1 + V_{14}]_{ny}}{[V_1]_{cy}}$,

$B_2 = \frac{[V_2 + V_{21}]_{ny}}{[V_2]_{cy}}$, $B_3 = \frac{[V_3 + V_{31}]_{ny}}{[V_3]_{cy}}$, $B_4 = \frac{[V_4 + V_{41}]_{ny}}{[V_4]_{cy}}$ - ҳажмий коэффициентлар,

m - қатлам ғоваклиги, $R_2 = \frac{[V_{21}]_{ny}}{[V_2]_{cy}}$, $R_3 = \frac{[V_{31}]_{ny}}{[V_3]_{cy}}$, $R_4 = \frac{[V_{41}]_{ny}}{[V_4]_{cy}}$ - газнинг сувдаги,

нефтдаги ва конденсатдаги эрувчанлиги, C – газ фазадаги конденсат миқдори,

$\bar{\gamma} = \frac{\gamma_4}{M_4} 22.41 \frac{293}{273}$ (суюқлик ва газ фазадаги конденсат солиштирма

оғирлигининг нисбати), M_4 - конденсатнинг молекуляр массаси, t - вақт, W_α - фазавий тезлик векторлари, $[V_\alpha]_{ny}$ - α ($\alpha=1,2,3$) фазанинг фиксирланган

массаси эгаллаган ҳажм, $[V_\alpha]_{cy}$ - α фазанинг нормал шароитларда эгаллаган ҳажми; $[V_{21}]_{ny}$, $[V_{31}]_{ny}$, $[V_{41}]_{ny}$ - эриган газнинг қатлам шароитида мос равишда сув, нефт ва конденсатдаги ҳажми.

$$W_\alpha = -\frac{Kk_\alpha}{\mu_\alpha}(\nabla p_\alpha - \gamma_\alpha \nabla Z),$$

бу ерда K – қатламнинг абсолют ўтказувчанлиги; f_α - нисбий фазавий ўтказувчанлик; μ_α - қовушоқлик; γ_α - солиштирма оғирлик; p_α - фазавий босим вектори.

Бу система ёпиқлигини таъминлаш учун $\sum_{\alpha=1}^4 S_\alpha = 1$ ва $k_\alpha = F_\alpha(p, S_1, S_2, S_3, S_4)$

муносабатлардан аниқланганларидан ташқари, мана бу $B_\alpha = F_\alpha(p, S_1, S_2, S_3, S_4)$, $\mu_\alpha = F_\alpha(p, S_1, S_2, S_3, S_4)$, $R_\alpha = F_\alpha(p, S_1, S_2, S_3, S_4)$ кўп параметрли қийин боғланишларни ҳам билиш талаб этилади.

Нефтгазконденсатли аралашманинг мажбурий сизиши масаласини ечиш учун “катта зарралар” усулига асосланган сонли алгоритм ишлаб чиқилган:

1-босқич – элементар ячейка кўчиши билан боғлиқ эффектларни ҳисобга олмаймиз ва босимни қуйидаги чекли айирмали тенгламадан аниқлаймиз:

$$E_i^\sim p_{i-1}^\sim - I_i^\sim p_i^\sim + O_i^\sim p_{i+1}^\sim = -F_i^\sim,$$

бу ерда

$$\begin{aligned} E_i^\sim &= \left[H_{1i}^\sim C_{i-1/2}^\sim - (1 - C\bar{\gamma})_{i-1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_1}{B_1} \right)_{i-1/2}^\sim + \left[H_{2i}^\sim - R_{2i-1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_2}{B_2} \right)_{i-1/2}^\sim + \\ &+ \left[H_{3i}^\sim - R_{3i-1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_3}{B_3} \right)_{i-1/2}^\sim + \left[H_{4i}^\sim - R_{4i-1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_4}{B_4} \right)_{i-1/2}^\sim, \\ O_i^\sim &= \left[H_{1i}^\sim C_{i+1/2}^\sim - (1 - C\bar{\gamma})_{i+1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_1}{B_1} \right)_{i+1/2}^\sim + \left[H_{2i}^\sim - R_{2i+1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_2}{B_2} \right)_{i+1/2}^\sim + \\ &+ \left[H_{3i}^\sim - R_{3i+1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_3}{B_3} \right)_{i+1/2}^\sim + \left[H_{4i}^\sim - R_{4i+1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_4}{B_4} \right)_{i+1/2}^\sim, \quad I_i^\sim = E_i^\sim + O_i^\sim, \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} F_i^\sim &= A_i \frac{\Delta x^2}{\Delta t} \left\{ [G_1(1 - C\gamma)]_i^\sim - [G_1(1 - C\gamma)]_i^n - h_i^\sim [(G_1 C)_i^\sim - (G_1 C)_i^n] + G_{2i}^\sim [(h_{2i}^\sim - h_{2i}^n) + \right. \\ &+ h_i^\sim (b_{2i}^\sim - b_{2i}^n)] + G_{3i}^\sim [(h_{3i}^\sim - h_{3i}^n) + h_i^\sim (b_{3i}^\sim - b_{3i}^n)] + G_{4i}^\sim [h_i^n (b_{4i}^\sim - b_{4i}^n)] \left. \right\} - Q_i^\sim \Delta x^2 + \Phi_i^\sim, \end{aligned}$$

$$\begin{aligned} \Phi_i^\sim &= \left\{ \left[H_{1i}^\sim C_{i-1/2}^\sim - (1 - C\bar{\gamma})_{i-1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_1}{B_1} \gamma_1 \right)_{i-1/2}^\sim + \left[H_{2i}^\sim - R_{2i-1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_2}{B_2} \gamma_2 \right)_{i-1/2}^\sim + \right. \\ &+ \left. \left[H_{3i}^\sim - R_{3i-1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_3}{B_3} \gamma_3 \right)_{i-1/2}^\sim + \left[H_{4i}^\sim - R_{4i-1/2}^\sim \right] \left(\frac{Z_4}{B_4} \gamma_4 \right)_{i-1/2}^\sim \right\} (D_i - D_{i-1}) + \end{aligned}$$

$$\begin{aligned}
& + \left\{ \left[H_{1i}^{\sim} C_{i+1/2}^{\sim} - (1 - C\bar{\gamma})_{i+1/2}^{\sim} \right] \left(\frac{Z_1}{B_1} \gamma_1 \right)_{i+1/2}^{\sim} + \left[H_{2i}^{\sim} - R_{2i+1/2}^{\sim} \right] \left(\frac{Z_2}{B_2} \gamma_2 \right)_{i+1/2}^{\sim} + \right. \\
& \left. + \left[H_{3i}^{\sim} - R_{3i+1/2}^{\sim} \right] \left(\frac{Z_3}{B_3} \gamma_3 \right)_{i+1/2}^{\sim} + \left[H_{4i}^{\sim} - R_{4i+1/2}^{\sim} \right] \left(\frac{Z_4}{B_4} \gamma_4 \right)_{i+1/2}^{\sim} \right\} (D_{i+1} - D_i) .
\end{aligned}$$

2-босқич – элементар ячейка чегарасидан оққан масса аниқланади:

$$\left(\frac{u_\alpha}{B_\alpha} \right)_{i+1/2}^{\sim} = \begin{cases} \left(\frac{1}{B_\alpha} \right)_i^{\sim} u_{\alpha i+1/2}^{\sim}, & \text{агар } u_{\alpha i+1/2}^{\sim} \geq 0 \\ \left(\frac{1}{B_\alpha} \right)_{i+1}^{\sim} u_{\alpha i+1/2}^{\sim}, & \text{агар } u_{\alpha i+1/2}^{\sim} < 0 \end{cases}, \quad \alpha = \overline{1,4} .$$

3-босқич – изланаётган параметрлар аниқланади:


$$\begin{aligned}
A_i \Delta x & \left\{ \left[\frac{m}{B_1} (1 - C\gamma) \right]_i^n S_{1i}^{n+1} - \left[\frac{m}{B_1} (1 - C\gamma) \right]_i^{n-1} S_{1i}^n + \left(\frac{mR_3}{B_3} \right)_i^n S_{3i}^{n+1} - \left(\frac{mR_3}{B_3} \right)_i^{n-1} S_{3i}^n + \right. \\
& \left. + \left(\frac{mR_2}{B_2} \right)_i^n S_{2i}^{n+1} - \left(\frac{mR_2}{B_2} \right)_i^{n-1} S_{2i}^n + \left(\frac{mR_4}{B_4} \right)_i^n S_{4i}^{n+1} - \left(\frac{mR_4}{B_4} \right)_i^{n-1} S_{4i}^n \right\} + \\
& + \Delta t^n \left\{ \left[(1 - C\bar{\gamma}) \frac{u_1}{B_1} \right]_{i+1/2}^n - \left[(1 - C\bar{\gamma}) \frac{u_1}{B_1} \right]_{i-1/2}^n + \left(R_3 \frac{u_3}{B_3} \right)_{i+1/2}^n - \left(R_3 \frac{u_3}{B_3} \right)_{i-1/2}^n + \right. \\
& \left. + \left(R_2 \frac{u_2}{B_2} \right)_{i+1/2}^n - \left(R_2 \frac{u_2}{B_2} \right)_{i-1/2}^n + \left(R_4 \frac{u_4}{B_4} \right)_{i+1/2}^n - \left(R_4 \frac{u_4}{B_4} \right)_{i-1/2}^n \right\} = \Delta t^n A_i \sum_k Q_{1k} \delta_{1k}, \\
A_i \Delta x & \left[\left(\frac{m}{B_2} \right)_i^n S_{2i}^{n+1} - \left(\frac{m}{B_2} \right)_i^{n-1} S_{2i}^n \right] + \Delta t^n \left[\left(\frac{u_2}{B_2} \right)_{i+1/2}^n - \left(\frac{u_2}{B_2} \right)_{i-1/2}^n \right] = \Delta t^n A_i \sum_k Q_{2k} \delta_{1k}, \\
A_i \Delta x & \left[\left(\frac{m}{B_3} \right)_i^n S_{3i}^{n+1} - \left(\frac{m}{B_3} \right)_i^{n-1} S_{3i}^n \right] + \Delta t^n \left[\left(\frac{u_3}{B_3} \right)_{i+1/2}^n - \left(\frac{u_3}{B_3} \right)_{i-1/2}^n \right] = \Delta t^n A_i \sum_k Q_{3k} \delta_{1k}, \\
& A_i \Delta x \left[\left(\frac{m}{B_4} \right)_i^n S_{4i}^{n+1} - \left(\frac{m}{B_4} \right)_i^{n-1} S_{4i}^n + \left(\frac{mC}{B_1} \right)_i^n S_{1i}^{n+1} - \left(\frac{mC}{B_1} \right)_i^{n-1} S_{1i}^n \right] + \\
& + \Delta t^n \left[\left(\frac{u_4}{B_4} \right)_{i+1/2}^n - \left(\frac{u_4}{B_4} \right)_{i-1/2}^n + \left(\frac{u_1}{B_1} \right)_{i+1/2}^n C_{i+1/2}^n - \left(\frac{u_1}{B_1} \right)_{i-1/2}^n C_{i-1/2}^n \right] = \Delta t^n A_i \sum_k Q_{4k} \delta_{1k} .
\end{aligned}$$

Изланаётган S_α^{n+1} ни аниқлаб, кейинги вақт қадамига ўтамиз ва ҳ.к.

Нефтгазконденсат конлардан фойдаланишнинг бир нечта режимлари учун ҳисоблаш тажрибалари натижалари, жумладан сув-нефт контакт (СНК) остига сув ҳайдаш, бир вақтнинг ўзида СНК остига ва газ-сууюқлик контакт (ГСК) устига сув ҳайдаш, ГШ (газ шапкаси)га йўлдош газларни ҳайдаш, бир

вақтнинг ўзида СНК остига сув ва ГШга газ ҳайдаш, хулосалар ва тавсиялар келтирилган.

Аниқландики, СНК остига сув ҳайдаш эксплуатацион қатордан пастдаги нефтнинг сиқилиб чиқиши кузатилади (1,б-расм). Нефтнинг газли шапка томонга ҳаракатланиши сувнинг тиркалиши ва бир қисм газнинг нефт қатлами томонга оқиши билан боғлиқ. Нефтнинг асосий қисми эксплуатацион қатордан пастдаги соҳадан олинади. Табиий эксплуатацион режимдагига нисбатан озгина кўпроқ нефт олинади (1,а-расм). Эксплуатацион қатор атрофида конуссимон нефт билан тўйинганлик ҳосил бўлади.




1-Расм. Нефт билан тўйиниш тақсимоти: а) камайиш режими, б) СНК остига ҳайдаш; □ - сув ҳайдаш қудуғи, ■ – ишлатилаётган қудуқ, 1 – бошлангич, 2 - 10 йил, 3 - 20 йил, 4 - 30 йил ишлатилгандан кейин .

Эксплуатациянинг 13 йилидан кейин эксплуатацион қаторда сув пайдо бўлади, яъни сув билан тўйинганликнинг олди фронти (сув билан тўйинганлик қиймати қолдиқда баланд) эксплуатацион қаторга етиб келади ва сувланиш даражаси кескин ошади. Кейин келатган сувнинг ҳаммаси нефт билан бирга казиб олинади. Газнинг нефт қатламининг ҳамма соҳасида пайдо бўлиши кузатилади. Конденсат билан тўйиниш соҳаси кенгайди (2-расм), сабаби ўртача босим юқори. Қатламдаги босим ўзгариши табиий эксплуатациянинг юқори босқичи билан бир хил бўлади.

Қаралаётган вақтнинг барча қийматида эксплуатацион қатор атрофидаги босим эксплуатацион қатор босимидан юқори бўлади. Нефтнинг интенсив казиб олиниш вақти табиий эксплуатациядагига нисбатан узокроқ давом этади.

СНК остига ва ГСК устига “кўзгу” кўринишида сув ҳайдаш натижасида нефтнинг бутун соҳадан сиқилиб чиқишига ва нефтнинг интенсив казиб олиниш вақти ошишига олиб келади. Газнинг нефт қатламининг ҳамма соҳасида пайдо бўлиши кузатилади. Конденсат соҳасида газ билан тўйинганликнинг ошиши босим тушиши ва натижада конденсатнинг газли шапкаси билан, шунингдек фазалараро ўтишлар билан боғлиқ. Газли шапка концентрация даражаси тушиб кетганлиги сабабли конденсат билан тўйинганлик даражаси доим кенгайиб боради. Босим анча текис тарқалган,

қатлам ўртасидаги босим бутун эксплуатация давомида эксплуатацион қатордагига нисбатан катта. Газли шапкага газ ҳайдалганда нефт билан тўйинганликнинг тарқалиши анча текис бўлади, бу эса нефтнинг текис қазиб олинишини таъминлайди. Қатламдага босим юқорироқ ҳолда бўлади, нефт берувчанлик 5%га ортади. Шундай қилиб газли шапкага газ ҳайдашнинг қатлам гидродинамикасига ва технологик кўрсаткичларига ижобий таъсири тасдиқланади.



2-Расм. Конденсат билан тўйиниш тақсимоти: а) камайиш режими, б) СНК остига ҳайдаш; □ - сув ҳайдаш қудуғи, ■ – ишлатилаётган қудуғ, 1 – бошланғич, 2 - 10 йил, 3 - 20 йил, 4 - 30 йил ишлатилгандан кейин

Бир вақтнинг ўзида СНК остига сув ва ГШга газ ҳайдаш режимида нефтнинг янада текис қазиб олиниши кузатилади. Эксплуатация охирида эксплуатация қатори соҳасидан пастда камайиш режимига қараганда кўпроқ нефт қазиб олинади. Газнинг нефт қатламининг ҳамма соҳасида пайдо бўлиши кузатилади. Газли шапка концентрация даражаси тушиб кетганлиги сабабли конденсат билан тўйинганлик даражаси доим кенгайиб боради. Босим анча текис тарқалган, қатлам ўртасидаги босим бутун эксплуатация давомида эксплуатацион қатордагига нисбатан катта.

Шундай қилиб СНК остига сув ва газли шапкага газ ҳайдашнинг қатлам гидродинамикасига ва технологик кўрсаткичларига ижобий таъсири тасдиқланади.

Диссертациянинг «Калцид коллекторли нефт қатламларига кислотали таъсир кўрсатиш гидродинамик моделларининг сонли таҳлили» деб номланган учинчи бобида калцид коллекторли нефт қатламларига кислотали ишлов бериш жараёнининг такомиллаштирилган гидродинамик модели, масалаларни ечишнинг ўзгартирилган сонли алгоритмлари келтирилган.

Хлорид кислотасининг оҳактош билан ўзаро таъсир реакциясининг умумий кимёвий кўриниши қуйидагича:



Калций хлорид ($CaCl_2$) – сувда яхши эрувчи туз. Ис газ (CO_2) қатлам босимида сувда эрийди. Сизиши жараёнида иштирок этмайдиган фаза

сифатида тоғ жинслари (ғовак муҳит скелети ва унинг бузилиши натижасида ҳосил бўлган заррачалар) иштирок этади. Унинг компоненти кислотани эрувчи тоғ жинслари бўлади. Кимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўлган газлар тўлиқ сувда эрийди, улар концентрацияси кичик бўлганлиги сабабли моделда ҳисобга олинмайди. У ҳолда тенгламалар системасини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин.

Қатламга киритилаётган кислотани компонент учун масса сақланиш тенгламаси

$$\frac{\partial}{\partial t}(m\rho_A c_A S_w) + \nabla \cdot (\rho_A c_A V_w) = -J_A + \nabla \cdot (\rho_A D_m \nabla c_A S_w),$$

бу ерда $J_A = \begin{cases} 0 & , s_o > 0 \\ M_A a_v R_A & , s_o = 0 \end{cases}$ - вақт бирлиги ичида бирлик ҳажмда

сарфланаётган кислота массаси, $R_A = E_f \left(\frac{c_A \rho_A}{M_A} \right)$ - кимёвий реакция тезлиги,

$E_f = E_f^0 \exp\left(-\frac{\Delta E}{RT}\right)$ - реакция тезлиги ўзгармаси Аррениус нисбатидан топилади (ΔE - активация энергияси, R - газ доимийси), V_w - сувли фаза сизиш тезлиги, m - ғоваклик, ρ_A - кислотанинг ҳақиқий зичлиги, c_A - кислотанинг массавий концентрацияси, S_w - ғовак фазонинг сув билан тўйинганлиги, D - молекуляр диффузия коэффиценти, t - вақт, $a_v = s/\nu$ реакциянинг солиштирма сирти, s - реакция сирти юзаси, ν - қатлам ҳажми, M_A - кислотанинг молекуляр оғирлиги.

Кимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўлаётган сувда эриган тузлар учун масса сақланиш тенгламаси

$$\frac{\partial}{\partial t}(m\rho_S c_S S_w) + \nabla \cdot (\rho_S c_S V_w) = J_S,$$

бу ерда $J_S = \gamma_S J_A$ - реакциялар натижасида вақт бирлиги ичида бирлик ҳажмда ҳосил бўлаётган калций хлорид тузи массаси, γ_S - реакциялар натижасида бирлик кислота массасидан сувга ўтаётган калций хлорид тузи массаси, c_S - калций хлорид тузи массавий концентрацияси, ρ_S - калций хлорид тузи зичлиги.

Кимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўлаётган ва қатламга киритилаётган сувли фаза учун массанинг сақланиш тенгламаси

$$\frac{\partial}{\partial t}(m\rho_w^0 c_w S_w) + \nabla \cdot (\rho_w^0 c_w V_w) = J_w^0,$$

бу ерда $J_w^0 = \gamma_w J_A$ - реакциялар натижасида вақт бирлиги ичида бирлик ҳажмда ҳосил бўлаётган сув массаси, γ_w - реакциялар натижасида бирлик кислота массасидан сувга ўтаётган сув массаси, c_w - сувнинг массавий концентрацияси, ρ_w^0 - сув зичлиги.

Кимёвий реакциялар натижасида ҳосил бўлаётган муаллақ заррачалар учун массанинг сақланиш тенгламаси

$$\frac{\partial}{\partial t}(m\rho_B c_B S_W) + \nabla \cdot (\rho_B c_B V_W) = J_B,$$

бу ерда c_B - сувдаги муаллақ заррачаларнинг массавий концентрацияси; ρ_B - муаллақ заррачаларнинг ҳақиқий зичлиги, $J_B = \gamma_B J_A$ - вақт бирлиги ичида бирлик ҳажмда ҳосил бўлаётган муаллақ заррачаларнинг массаси, γ_B - реакциялар натижасида бирлик кислота массасидан сувга ўтмаётган муаллақ заррачаларнинг миқдори.

Сувли фаза учун массанинг сақланиш тенгламаси

$$\frac{\partial}{\partial t}(m\rho_W S_W) + \nabla \cdot (\rho_W V_W) = J_W,$$

бу ерда $J_W = -J_A + J_S + J_W^0$, $\rho_W = c_A \rho_A + c_S \rho_S + c_W \rho_W^0 + c_B \rho_B$.

Нефтли фаза учун массанинг сақланиш тенгламаси

$$\frac{\partial}{\partial t}(m\rho_O S_O) + \nabla \cdot (\rho_O V_O) = 0,$$

бу ерда S_O - ғовак фазонинг нефт билан тўйинганлиги, ρ_O - нефт зичлиги.

Ғоваклик ўзгариш тенгламаси

$$\frac{\partial}{\partial t}((1-m)\rho_M) = -J_M,$$

бу ерда $J_M = \gamma_M J_A$ - реакциялар натижасида вақт бирлиги ичида бирлик ҳажмда ҳосил бўлаётган эриган минерал массаси, γ_M - реакциялар натижасида бирлик кислота массасидан эриган минерал миқдори, ρ_M - тоғ жинсининг ҳақиқий зичлиги.

Кислота fronti ҳолати қуйидаги тенгламадан аниқланади:

$$\frac{dx_F}{dt} = \gamma_M \frac{\rho_A}{\rho_M} V_{FA} c_{FA},$$

бу ерда V_{FA} ва c_{FA} - кислота frontiдаги кислота оқими ва концентрацияси тезлиги.

Сувли ва нефтли фаза сизиш тезлиги тенгламаси

$$V_W = -\frac{Kk_w}{\mu_w} \nabla p, \quad V_O = -\frac{Kk_o}{\mu_o} \nabla p,$$

бу ерда K , k_w , k_o - сув ва нефтнинг абсолют ва нисбий фазавий ўтказувчанлиги, $\mu_w = c_A \mu_A + c_S \mu_S + c_B \mu_B + c_W \mu_w^0$ - сувли фаза қовушқоқлиги, $\mu_A, \mu_S, \mu_w^0, \mu_B$ - мос равишда кислотали, тузли ва тоза сувнинг қовушқоқликлари, μ_o - нефтли фаза қовушқоқлиги, p - босим.

Абсолют ўтказувчанликни ҳисоблаш учун, Кольрауша ва Козен-Карман корреляциялари асосида қуйидаги боғланишлардан фойдаланамиз:

$$K = K_0 \left(\frac{m}{m_0} \right)^n.$$

Реакция солиштирма сирти ўзгаришини тавсифлаш учун қуйидаги муносабатдан фойдаланамиз $a_v = a_0 \frac{(1-m)}{(1-m_0)}$, a_0 – бошланғич солиштирма сирт.

Ҳарорат ўзгариш тенгламаси қуйидаги кўринишда

$$\frac{\partial}{\partial t} [(1-m)C_M \rho_M + mS_W (\rho_A c_A C_A + \rho_S c_S C_S + \rho_W^0 c_W C_W + \rho_B c_B C_B) + m\rho_O C_O S_O] T = \\ = \nabla \cdot (\lambda \nabla T) - \nabla \cdot [T (\rho_A c_A C_A + \rho_S c_S C_S + \rho_W^0 c_W C_W + \rho_B c_B C_B) V_W + \rho_O C_O V_O]$$

бу ерда $C_M, C_A, C_S, C_W, C_O, C_B$ - мос равишда тоғ жинси, кислотали, тузли ва тоза сувларнинг, нефт ва муаллақ заррачаларнинг солиштирма иссиқлик сифимлари, $\lambda = (1-m)\lambda_M + mS_W (\lambda_A c_A + \lambda_S c_S + \lambda_W c_W + \lambda_B c_B) + mS_O \lambda_O$ - иссиқлик ўтказувчанликнинг эффектив коэффициенти, у ғовак жисм скелети ва ундаги суюқлик ва муаллақ заррачалардан молекуляр иссиқлик ўтказувчанликни характерлайди, $\lambda_M, \lambda_A, \lambda_S, \lambda_W, \lambda_O, \lambda_B$ - мос равишда тоғ жинси, кислотали, тузли ва тозасувларнинг, нефт ва муаллақ заррачаларнинг иссиқлик ўтказувчанлик коэффициентлари.

Мос ҳолат тенгламаси, бошланғич ва чегаравий шартларни кўшиб нефт қатламларига кислотали ишлов беришда юз берадиган физик-кимёвий жараёнларга мос, кимёвий кинетикани ҳисобга олган ёпиқ тенгламалар системасига эга бўламиз.

Калцид коллекторли нефт қатламларига кислотали ишлов бериш масаласини ечиш учун “катта зарралар” усулига асосланган ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган. Ностационар тенгламалар системаси физик жараёнлар бўйича қуйидаги соҳада ажратилади

$$\Omega = \{(x, t) : 0 \leq x \leq L, 0 \leq t \leq \tau\}$$

Эйлер вақт-фазовий тўри ҳосил қилинади

$$\Omega_{nj} = \{t_{n-1} = t_n - \Delta t, n = \overline{1, N_t}; x_{j-1} = x_j - \Delta x, j = \overline{1, N_x}\}.$$

Муҳит берилган вақт моментига мос Эйлер тўри катакчаларига мос суюқ зарралар системаси кўринишида моделлаштирилади. Ҳар бир вақт қадами уч босқичга бўлинади:

1-босқич – элементар ячейка кўчиши билан боғлиқ эффектларни ҳисобга олмаймиз ва тенгламани t_n вақт моментига аппроксимация қиламиз

$$(m\rho_A c_A S_W)_j^{\sim} = (m\rho_A c_A S_W)_j^n + \Delta t (J_A)_j^n + \\ + \Delta t D \frac{(m\rho_A)_{j-1/2}^n (c_A S_W)_{j-1}^n - [(m\rho_A)_{j-1/2}^n + (m\rho_A)_{j+1/2}^n] (c_A S_W)_j^n + (m\rho_A)_{j+1/2}^n (c_A S_W)_{j+1}^n}{\Delta x},$$

$$(m\rho_\beta c_\beta S_W)_j^{\sim} = (m\rho_\beta c_\beta S_W)_j^n + \Delta t (J_\beta)_j^n, \beta = \{S, W, B\},$$

$$(m\rho_\alpha S_\alpha)_j^{\sim} = (m\rho_\alpha S_\alpha)_j^n + \Delta t (J_\alpha)_j^n, \alpha = \{W, O\}, \tilde{T}_j = \{(\rho C)_j^n T_j^n + \Delta t [(A^h T)_j^n]\} / (\rho C)_j^{\sim},$$

$$(A^{hT})_j^n = \frac{\lambda_{j-1/2}^n T_{j-1}^n - (\lambda_{j-1/2}^n + \lambda_{j+1/2}^n) T_j^n + \lambda_{j+1/2}^n T_{j+1}^n}{\Delta x^2}, \quad (m\rho_M)_j^{\sim} = (m\rho_M)_j^n + \Delta t (J_M)_j^n,$$

$$(K)_j^{\sim} = K_0 \left[\frac{(m)_j^{\sim}}{m_0} \right]^n, \quad (x_F)_j^{\sim} = (x_F)_j^n + \Delta t \left(\gamma_M \frac{\rho_A}{\rho_M} V_{FA} c_{FA} \right)_j^n,$$

$$\tilde{\alpha}_{j-1/2} \tilde{p}_{j-1} - (\tilde{\alpha}_{j-1/2} + \tilde{\alpha}_{j+1/2}) \tilde{p}_j + \tilde{\alpha}_{j+1/2} \tilde{p}_{j+1} = -\tilde{F}_j,$$

$$\tilde{\alpha}_{j-1/2} = \left(\frac{\rho_W K k_W}{\mu_W} + \frac{\rho_O K k_O}{\mu_O} \right)_{j-1/2}^{\sim}, \quad \tilde{F}_j = -(\rho_W S_W + \rho_O S_O)_j^{\sim} (m_j^{\sim} - m_j^n) \Delta x^2 / \Delta t,$$

$$(V_W)_j^{\sim} = - \left(\frac{K k_W}{\mu_W} \right)_o^{\sim} \frac{\tilde{p}_{ij+1/2} - \tilde{p}_{ij-1/2}}{\Delta x}, \quad (V_O)_j^{\sim} = - \left(\frac{K k_O}{\mu_O} \right)_o^{\sim} \frac{\tilde{p}_{ij+1/2} - \tilde{p}_{ij-1/2}}{\Delta x};$$

II босқич – ҳар бир фаза ва компонент массаси ва энергияси каттак чегарасидан кўчиши ҳисобланади. Фазаларнинг каттак чегарасидан кўчиши куйидаги формулалардан топилади

$$\Delta(Mc_\beta)_{j+1/2} = \begin{cases} (\rho_\beta c_\beta)_j^{\sim} (V_W)_{j+1/2}^{\sim} \Delta t, & (V_W)_{j+1/2}^{\sim} > 0 \\ (\rho_\beta c_\beta)_{j+1}^{\sim} (V_W)_{j+1/2}^{\sim} \Delta t, & (V_W)_{j+1/2}^{\sim} < 0 \end{cases},$$

$$\Delta(M_\alpha)_{j+1/2} = \begin{cases} (\rho_\alpha)_j^{\sim} (V_\alpha)_{j+1/2}^{\sim} \Delta t, & (V_\alpha)_{j+1/2}^{\sim} > 0 \\ (\rho_\alpha)_{j+1}^{\sim} (V_\alpha)_{j+1/2}^{\sim} \Delta t, & (V_\alpha)_{j+1/2}^{\sim} < 0 \end{cases},$$

$$\Delta(MC_\alpha T)_{j+1/2} = \begin{cases} ((\rho C)_\alpha T)_j^{\sim} (V_\alpha)_{j+1/2}^{\sim} \Delta t, & (V_\alpha)_{j+1/2}^{\sim} > 0 \\ ((\rho C)_\alpha T)_{j+1}^{\sim} (V_\alpha)_{j+1/2}^{\sim} \Delta t, & (V_\alpha)_{j+1/2}^{\sim} < 0 \end{cases},$$

$$\alpha = \{W, O\}, \beta = \{A, W, S, B\};$$

III босқич – сақланиш қонунларига кўра ҳар бир компонент ва фаза параметрларининг қийматлари янги вақт қатламлари учун топилади

$$(m\rho_\beta c_\beta S_W)_j^{n+1} = (m\rho_\beta c_\beta S_W)_j^{\sim} + \frac{1}{\Delta x} [\Delta(Mc_\beta)_{j-1/2} - \Delta(Mc_\beta)_{j+1/2}],$$

$$(m\rho_\alpha S_\alpha)_j^{n+1} = (m\rho_\alpha S_\alpha)_j^{\sim} + \frac{1}{\Delta x} [\Delta(M_\alpha)_{j-1/2} - \Delta(M_\alpha)_{j+1/2}],$$

$$\alpha = \{W, O\}, \beta = \{A, W, S, B\},$$

$$T_{ij}^{n+1} = \left\{ (\tilde{\rho}\tilde{c})_j \tilde{T}_j + \frac{1}{\Delta x} [\Delta(MC_W T)_{j-1/2} - \Delta(MC_W T)_{j+1/2} + \right.$$

$$\left. \Delta(MC_O T)_{j-1/2} - \Delta(MC_O T)_{j+1/2} \right\}, \quad (m\rho_M)_j^{n+1} = (m\rho_M)_j^{\sim} + \Delta t (J_M)_j^{n+1},$$

$$(x_F)_j^{n+1} = (x_F)_j^{\sim} + \Delta t \left(\gamma_M \frac{\rho_A}{\rho_M} V_{FA} c_{FA} \right)_j^{n+1}.$$


Теорема. Айирмали схема куйидаги шарт бажарилганда турфун

$$\frac{\Delta x}{2}|v| - \frac{\Delta x^2}{4}v_x + \Delta t \left[\left(\frac{\Delta x}{2}|v| - \frac{\Delta x^2}{4}v_x \right) J_\rho - \frac{1}{2}(v + \rho v_\rho)^2 \right] > 0,$$

$$\frac{\Delta x}{2}|v| - \frac{\Delta x^2}{4}v_x - \frac{\Delta t \lambda}{\rho c} v_x - \frac{\Delta t}{2} \left[-[v + (\rho c T)v_{\rho c T}]^2 \left[1 + \frac{1}{(\rho c)_x} \right] \right] > 0.$$

Нефт қатламларига кислотали ишлов бериш жараёнига нефтнинг таъсирини ўрганиш мақсадида совуқ хлорид кислотани нефтли ва нефт бўлмаган коллекторларга ҳайдаш бўйича ҳисоблаш тажрибалари ўтказилди.

